

## ТАЛАБАЛАРДА ЛОЙИҲАЛАШ ФАОЛИЯТИ ХУСУСИЯТЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ

Эшпулатов Шакир Набиевич (Алишер Навоий номидаги Самарқанд давлат университети “Педагогика” кафедраси ўқитувчиси)

### *Резюме*

*Данная статья посвящена проблеме проектирования в профессионально-педагогической подготовке студентов, согласно которой педагогическое проектирование занимает один из основных мест в процессе педагогического образования и служит для эффективного обеспечения организации подготовки специалиста, который отвечает всем образовательным требованиям современного развивающего общества.*

**Ключевые слова:** *гуманизация, системность, проектирование, творчество.*

### *Summary*

*This article is devoted a problem of developing professional-pedagogical preparation of students according to which pedagogical designing occupies one of the main places in the course of pedagogical education and serves for effective organization of preparation of the specialist which meets all education requirements of a modern developing society.*

**Keywords:** *humanization, systematic, design, creativity.*

Мамлакатимизда барча соҳаларда амалга оширилаётган ислохотлар ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, маънавий-маърифий тузилмаларнинг замон тараққиётига мослашган ҳолда ривожланишига сабаб бўлмоқда. Бу ҳол эса жамият тараққиётининг барча соҳаларида фаолият кўрсатаётган кадрларнинг касбий маҳоратларини, иқтидорларини, қизиқишларини, интилишларини ва замон талабларига кўра янгидан-янги иш шароитларига тезкор равишда мослашиб боришларини тақозо этади. Мамлакатда замон талабларига мос равишда кадрларни тайёрлаш, уларнинг касбий маҳоратларини янги шароитларга мослаштириб бориш учун 1997 йил 29 августда “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” қабул қилинди. Ушбу дастур “Кадрлар тайёрлаш миллий моделини рўёбга чиқаришни, ҳар томонлама камол топган, жамиятда турмушга мослашган, таълим ва касб-хунар дастурларини онгли равишда танлаш ва кейинчалик пухта ўзлаштириш учун ижтимоий-сиёсий, ҳуқуқий, психологик-педагогик ва бошқа тарздаги шароитларни яратишни, жамият, давлат ва оила фуқароларни тарбиялашни назарда тутади”[1].

Таълим-тарбия умумий тизимининг педагогни шахсий-касбий шакллантириш томон йўналганлиги кейинги йилларда талабаларни педагогик олий таълим муассасалари шароитида тайёрлаш таркиби, мазмуни ва технологияларида жиддий ўзгаришлар вужудга келишига олиб келди. Педагогик таълимнинг инсонпарварлаштириш, табақалаштириш ва халқчиллаштириш узлуксиз таълим тизимини нисбатан тез мослашувчан,

ўзгарувчан ва очик қилди. Натижада талаба-ўқувчиларнинг ўзлари томонидан таълим олиш йўллари танлашга аниқ замин вужудга келди, бу эса уларнинг шахсий-касбий эҳтиёжлари ва интилишларига анча тўлиқ жавоб бера олади.

Олий таълим муассасалари томонидан мутахассислар тайёрлашни инсонпарварлаштириш муаммосини ечиш йўллари излаш ҳам ўқув фанларининг ўқитилишини ихчамлаштириш ва жадаллаштириш йўли бўйича, ҳам талабаларнинг якка тартибда билим орттириш фазилатларини, уларнинг кизиқишлари, мойилликларини ҳисобга олинишини таъминлаш бўйича олиб борилмоқда. Ҳозирги кунда Ўзбекистон Республикасида таълимни такомиллаштириш шароитида аниқ методологик асосларни излаш долзарб тус олди. Касбий таълим сифати муаммоларини таҳлил қилиш жараёнида методологик асос сифатида педагогик лойиҳалаш намоён бўлади. «Педагогик лойиҳалаш – педагогнинг педагогик масалаларни ечишга қаратилган кетма-кет ўзаро боғлиқ ҳаракатлари тизими ёки олдиндан режалаштирилган педагогик жараённинг амалиётга кетма-кет мужассамланишидир»[2]. Лойиҳалаш муаммоси ўзининг ривожланиш тарихига эга. «Педагогик лойиҳа» атамаси кўпроқ қуйидаги маънога эга бўлган педагогик ишларда учрайди: таълимда, лойиҳа - таълим тизимини лойиҳалаштиришга қаратилган ҳолда расмийлаштирилган педагогик ғоялар, педагогик жараёнлар ва технологиялар мажмуаси, шунингдек, уларнинг амалий жорий этилиш дастурларидир[2]. Бу ҳолда лойиҳалаш, Е.С.Заир-Бекнинг фикрича, бор нарсани нимага айлантириш зарурлиги юзасидан ғоялар ва ҳаракат дастурини ишлаб чиқаришдан иборат. Ишлаб чиқилган ғоялар ва ҳаракат дастури (мазкур тадқиқотда – талаба шахсининг ўзига хос таълимий йуналтирилганлиги) лойиҳалаш маҳсули сифатида рўй беради [3]. Лойиҳалаш касбий фаолият соҳаси сифатида техника, қурилиш, ишлаб чиқаришда пайдо бўлди, сўнгра иқтисодиёт, бошқариш, ижтимоий соҳадаги фаолиятга, хусусан, педагогик фаолиятга тарқалди. В.Е.Радионовнинг фикрича, лойиҳалашнинг кўп қиррали маданий-тарихий феномени ўз фаолиятининг барча соҳаларида ҳозир бўлган исталган кишининг ҳаётий фаолиятининг туб моҳиятидан келиб чиқади. Илмий ёки амалий жиҳатдан касбий педагогик фаолият бу қатордан мустасно эмас [4].

Кишининг мақсадга мувофиқ ҳаракати шу фаолиятдан олиниши мумкин бўлган натижаларнинг режалаштиришга боғлиқлиги олдиндан аниқланган. Асрлар давомида педагогга ўзининг кундалик таълим бериш ва тарбиялаш амалиётида турли-туман қарорларни қабул қилишга тўғри келган ва бу айнан шу каби қарорларнинг натижаларини якка тартибда режалаштиришига, олдинги амалий тажрибалар таъсирида ишлаб чиқилган касбий ҳис-туйғусига асосланган.

Лойиҳавий фаолият янгилашни даражасига оиддир, чунки у борлиқни ўзгартиради, тегишли технология негизида қурилади, уни ўзгартириш, ўзлаштириш ва такомиллаштириш мумкин. Лойиҳалаш асосларини ўзлаштириш долзарб муаммолардан ҳисобланади, чунки, биринчидан, мазкур технология таълим тизимини ташкил қилишнинг барча босқичларида кенг қўлланиш имкониятларига эга. Иккинчидан, ижтимоий маданият лойиҳалаш

мантиғи ва технологиясини билиш, таҳлилий, ташкилий бошқариш вазифаларини самарали амалга оширишга имкон беради. Учинчидан, лойиҳавий технологиялар мутахассиснинг рақобатбардошлигини таъминлайди [10].

Талабаларга таълим ва тарбия беришнинг муваффақиятлилиги ва натижага эгаллиги педагог томонидан лойиҳавий фаолиятни қанчалик ўзлаштириб олинганлигига боғлиқ, чунки, бу фаолият вазиятга қараб технологик ечимларни такомиллаштириш, янги таълим ёндашувлари ва усулларини ишлаб чиқариш қобилиятини ривожлантиради.

Келтирилган фикрлар, шубҳасиз, ҳозирги замон педагогларининг ишларида мавжуд бўлган педагогик режалаштириш вазифаларини чуқурроқ таҳлил қилиш учун бошланғич нуқта вазифасини ўтайди [5]. Лойиҳалаш – бу муҳитни фикран ўзгартиришдир. Лойиҳа ахборот муҳити доирасидаги, буюм эса – моддий объектлар муҳитидаги фаолият натижасидир [6]. Шу ёндашувдан келиб чиқиб, Я.Дитрих томонидан лойиҳа буюмни мавҳум тасаввур этишни таъминловчи тушунчалар тизими, деб тушунтирилади; жамланма хусусиятлар мажмуаси у йиғма таҳлил натижасида олинади ва ижодий ижро этиш ниятини ифодалайди. У ҳолда лойиҳалашга ҳаракатнинг айрим усулларини танлаш сифатида қаралади, хусусий ҳолда эса тизимли ҳаракатнинг мантиқий асоси сифатида тушунилади [7]. Лойиҳа – лойиҳачи томонидан бунёд этилган янги тузилма бўлиб, лойиҳалаш жараёнининг ўзини ижодиёт маҳсули тарзида қараш мумкин, яъни, бирор янги нарсани ҳосил қилиш жараёнидир.

Ижодиёт ўзининг тақрорланмаслиги, асиллиги ва ижтимоий-тарихий ноёблиги билан тавсифланади. Лойиҳалаш ижодий жараён сифатида, илҳомланиш, ҳиссий чўкиш, тафаккур ва тасаввурнинг биргаликда ишлаши, онгнинг энг кўп ўткирлашуви, қўйилган мақсадга эришиш йўллари ва унинг натижаси мунавварлиги ҳамда энг ёрқинлиги каби босқичларни босиб ўтади [8].

Лойиҳавий фаолият, В.С.Безрукованинг фикрича, «бу таълим оловчилар ва педагогларнинг бўлажак фаолиятларининг асосий қисмларини биринчи галда ишлаб чиқишдан иборат» [9]. Ҳар қандай лойиҳалаш объектининг, бу педагогик тизимми, педагогик жараёнми, педагогик вазиятми, унинг асосий қисми - унинг иштирокчиларининг фаолияти ҳисобланади. Шунинг учун, биринчи навбатда, ўқитувчи ва таълим оловчининг фаолияти лойиҳалаштирилади. Лойиҳалаш исталган педагогнинг ташкилотчилик, билиш ва муомала қила олиш билан бир қатордаги вазифасидир, мактабда ўқув-тарбия жараёнини технологиялаштиришга имкон яратади. Технология лойиҳалаш маҳсули бўлиб, лойиҳавий фаолият қуйидагиларни ўз ичига олади: муаммо таҳлили; мақсаднинг қўйилиши; унга эришиш учун восита танлаш; ахборотни излаш ва қайта ишлаш, уни таҳлил қилиш ва умумлаштириш; олинган натижаларни баҳолаш ва хулосалар.

Лойиҳавий фаолият ривожлантирувчи таълим услубларидан бири бўлиб, мустақил тадқиқотчилик кўникмасини (муаммони қўйиш, ахборотларни тўплаш ва уни қайта ишлаш, тажриба-синовлар ўтказиш, олинган натижаларни

тахлил қилиш) ҳосил қилишга йўналтирилиб, ижодий қобилият ва мантикий фикрлашнинг ривожланишига олиб келади, таълим жараёнида олинган билимларни бирлаштиради, ҳаётий муҳим муаммоларнинг моҳиятини тушунишга ёрдам беради.

Лойихавий фаолиятдан кузатилаётган натижалар таълим олувчилар томонидан турли ўқув фанларини ўрганиш даврида мужассамлашган билим, маҳорат ва кўникмаларни тушуниш ва кўллаш олишдан иборат.

#### Адабиётлар

1. Каримов И.А. Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. –Т.:Шарқ, 1997, 6-бет.
2. Реформы в сфере образования - стратегический интерес страны. [www.edu.uz/modules/news/article.php](http://www.edu.uz/modules/news/article.php).
3. Громькина Т.С. Проектирование как основа повышения коммуникативного образования студентов института искусств и культуры. [www.jeducation.ru/3\\_2009/119.html](http://www.jeducation.ru/3_2009/119.html)
4. Заир-Бек Е.С. Теоретические основы обучения педагогическому проектированию. Дисс. ... доктора пед. наук. - СПб, 1995. 40 с.
5. Родионов А.С. Структурное моделирование как метод исследования учебно-познавательной деятельности школьников (на материалах физики, математики и трудового обучения). Дисс. ... канд. пед. наук. - М., 2007. 180 с.
6. Гордеева Н.Н., Кривоспицкая В.И Проектирование педагогических технологий. Учебное пособие. –Екатеринбург: Урал. гос. проф.-пед. ун-та, 2005. 68 с.
7. Дитрих Я. Проектирование и конструирование: Системный подход / Пер. с польск. - М.: Мир, 2001. 92 с.
8. Хилл П. Наука и искусство проектирования. Методы проектирования, научное обоснование решений / Пер. с англ. - М.: Мир, 2003. 32 с.
9. Безрукова В.С. Педагогика. Проективная педагогика. Учебное пособие. – Екатеринбург: Деловая книга, 2006. 152 с.
10. Муслимов Н., Уразова М., Эшпулатов Ш. Бўлажак ўқитувчининг лойихалаш фаолияти. Услубий кулланма. -Т.: ТошДПУ, 2012 йил, 99 б.

**Samarqand davlat universiteti Pedagogika fakulteti**  
**Pedagogika kafedrası o'qituvchisi SH.Espulatovning “Talabalarda loyihalash**  
**faoliyati xususiyatlarini rivojlantirish” mavzusidagi maqolasiga**

**TAQRIZ**

O'zbekiston Respublikasining «Ta'lim to'g'risida»gi Qonuni va «Kadrlar tayyorlash milliy dasturi» mazmunida barkamol shaxs va malakali mutaxassisni tarbiyalab voyaga yetkazish jarayonining mohiyati to'la ochib berilgan. Malakali kadrlarni tayyorlash jarayonining har bir bosqichi o'zida ta'lim jarayonini samarali tashkil etish, uni yuqori bosqichlarga ko'tarish, shu bilan birga jahon ta'limi darajasiga yetkazish borasida muayyan vazifalarni amalga oshirishi lozim.

Ta'lim-tarbiya jarayonida talabalarni tayyorlash va unga pedagogik texnologiyalarni tatbiq etish borasida oliy ta'lim tizimida ham izlanishlarning tashkil etilayotganligi alohida e'tiborga molikdir. Zero, oliy ta'lim tizimi ijtimoiy zaruriyat sifatida namoyon bo'layotgan malakali mutaxassisni tarbiyalash jarayonida o'ziga xos o'rin tutadi. Oliy o'quv yurtlarida turli yo'nalishlarda malakali kadrlarni tayyorlashni loyihalashtirish davrning muhim talabi bo'lib, bu borada barcha imkoniyatlarni ishga solish alohida dolzarblik kasb etadi.

Maqolada talabaning loyihalash faoliyati pedagogik voqyelikni va shaxsiy rivojlanishni o'zgartirish vositasi sifatida tahlil etilgan. Muallif ta'limning loyihalash uslubini mantig'i va mazmunini ochib bergan, shu birgalikda uning tashkil etish xususiyatlarini tavsiflagan. Shuningdek, oliy ta'limda loyihalash texnologiyasi, pedagogik loyihalash tushunchasi, pedagogning loyihaviy faoliyati, loyiha ta'lim uslubi sifatida, o'quv loyihasi, uning imkoniyatlari, ustida ish olib borish bosqichlari va loyiha ishtirokchilarining o'ziga xos xususiyatlarini yoritib bergan.

Oliy ta'lim mazmunini yangilash jarayonida talabalarni kasbiy ko'nikma hamda malakalarga ega bo'lishlarini ta'minlash masalasining samarali hal etilishida loyihalash uslubiga va ta'lim oluvchilarning loyihalash faoliyatiga alohida e'tibor qaratilishimiz lozimligi ochib berilgan.

“Talabalarda loyihalash faoliyati xususiyatlarini rivojlantirish” mavzusidagi maqolani chop etilishi faol, izlanuvchan hozirgi talablarga javob beruvchi o'qituvchini tayyorlash muammosining ma'lum darajada yechimini yoritadi deb hisoblayman. Maqolani chop etish maqsadga muvofiq.

Alisher Navoiy nomidagi SamDU  
Pedagogika kafedrası mudiri,  
dotsent, p.f.n.

A.Abdomannotov